

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ
АДАБИЁТ МУЗЕЙИ

АЗИЗ ҚАЮМОВ

АКАДЕМИК УБАЙДУЛЛА КАРИМОВ

ТОШКЕНТ - 2005

Масъул муҳаррир: тарих фанлари доктори
Баҳром Абдуҳалимов

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоӣ
номидаги Давлат адабиёт музейи илмий кенгаши томонидан
нашрга тавсия этилган.

Босишга рухсат этилди 23 ноябр 2005 й. Бичими
Шартли б.т. Нашр т. Адади 500.

Буюртма N

«Ҳамид Сулаймон» номидаги МЧЖ.

Тошкент, Навоӣй кўчаси, уй.



Азиз Қаюмов

БИЛИМ ЖОНКУЯРИ

(Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Беруний номидаги Давлат мукофоти лауриати, ЎЗР ФА Бобур медалининг совриндори, филология фанлар доктори

УБАЙДУЛЛА ИСРОЙЛОВИЧ КАРИМОВ

Тўғрисида ҳикоя

Муҳтарам китобхон!

XX аср ўзбек илм-фан дунёсининг атоқли арбобларидан бири академик Убайдулла Исроилович Каримов ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган “Билим жонкуяри” деб аталган рисолам 2000 йилда 100 нусхада нашр этилган эди. Ушбу китобча ўша рисоланинг иккинчи нaшри. Бу нашрга “Сурайё” деб аталган бир кичик боб киритилди. Ундан мақсад улуғ олим Убайдулла Исроилович Каримов бошлаган илмий йўналишнинг яшаётгани, янги илмий уфқларни очилаётганини кўрсатмоқдир.

Ушбу нашрда яна академик Убайдулла Исроилович Каримовнинг муҳтарам ҳамкасблари ёзган хотиралар, олимга бағишланган шеърлар ҳам киритилган. Улар китобчанинг иккинчи ярмини ташкил этган.

Илм-фан фидойилари тўғрисидаги рисолаларимизни яратишдан мақсад янги авлод ичида уларнинг давомчиларини тайёрлашга қўлдан келганича ҳисса қўшмоқдир.

ТАНИШУВ

1944 йил, октябрь ойи. Тошкент марказидаги Инкилоб скверида (ҳозир Амир Темур хиёбони) мағрур қад кўтарган уч қаватли гиштин иморатда Ўрта Осиё Давлат Университети (САГУ) жойлашган. Бу иморат сквердан келаверишда ўнг томонда. Шу йили Университетда Шарк факультети очилди. Бошқалар қатори мен ҳам шарк факультетининг биринчи курсида ўқий бошладим. Жамъи 1 - курсда бир юз йигирмага яқин талаба бор эди. Ўқишлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилар эди. Табиий, мен ўзбек гуруҳига ўқишга кирганман. Чунки, рус тилини билмас эдим. Дарслар асносида ҳар бир талаба бирор сифати билан ажралиб турарди. Ҳали ҳамма бир-бири билан тўла танишиб улгурмагани учун шу сифатлар дарҳол кўзга таппанавермайди.

Бизнинг гуруҳимизда баланд бўйли, сарғиш рангли, ёшлари бошқа талабалардан 5-6 ёш катта бир йиғит ўқир эди. Унинг бошида анча эскирган телпак, устида бир уринган шинел, оёғида ҳарбий ботинка, унинг устидан эса «обмотка» ўралган бўлар эди. Уруш вақти, халқнинг, мамлакатнинг аҳволи ночор. Талабалар ҳар бири нима топилса, шунинг кийиб келар эдилар. Мен ҳам бир пахталик фуфайкани (телогрейка) деярли тўрт йил кийганман. Ниҳоят, уни ёғи чиқиб кетганда ҳам таппаб юбормай, эҳтиёт қилиб сақлаганман (Пахта теримига чиққанда ёки бозор-ўчарга борганда киймоқ учун).

Дарсликлар, ўқув қўлланмалари йўқ эди. Араб тилидан барон Гиргас тузган бир кичик хрестоматия асосий китобимиз бўлган. У ҳам бутун гуруҳ учун якка-ю ягона нусхада. Араб тили ўқитувчимиз Содик Мирзоев шу китобдан ҳар бир талаба ўзи учун бир нусха кўчириб олсин, деб буюрдилар. Эртаси куни соат 12 да бутун гуруҳ йиғилиб шу китобдан ўзимиз учун нусха кўчириб оладиган бўлдик. Мен айтилган вақтда етиб келдим. Аудиторияга кирсам гуруҳимиздаги ўша катта ёшли оғамиздан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Саломлашгач, иккаламиз бироз кутиб ўтирдик. Мен у кишининг отлари Убайдулла, фамилиялари Каримов эканлигини билар эдим. Лекин у кишим мени билмас эдилар. Чунки, олдин биз бирор марта мулоқотда бўлмаган эдик. Олдин суҳбатимиз унчалик қовушмади. Бошқа ҳеч ким келмагач, биз иккаламиз хрестоматияни кўчириб ёзишга киришдик. Убайдулла ака баланд овоз билан бир жумлани ўқийдилар. Иккаламиз ўз дафтаримизга ўша жумлани ёзамиз. Сўнг яна шу тарзда давом этамиз. Икки соатча ўтириб анча матнни кўчириб олдик. Сўнг яна учрашув тўғрисида келишиб тарқалишдик. Иккинчи куни ҳам келиб шу гапни давом эттирдик. Ниҳоят, хрестоматияни бошидан охиригача кўчириб ёзиб тугалладик.

Шарк факультетида ўқишлар қизгин бормоқда. Факультет декани Абдурахмон Ҳамроев ўқув жараёнида уюштиришга моҳир ташкилотчи эди. 1 курсда форс тилидан бизнинг гуруҳда Абдуғани Муталлибов, араб тилидан Содик Мирзоев, турк тилидан Юсуф Зиё Ширвоний, инглиз тилидан Нина Петровна Куш дарс берар эдилар. Рус тилини иккинчи курсдан Мамед Мирзаевич Муждабоев ўқита бошлагач, бу тилини ҳам анча тузук

МУҲДАРИЖА

Танишув	5
«Сирр ул-асрор»нинг топилиши (1950 й.).....	8
«Қонун» нинг таржималари	11
Беруний меросини ўрганиш. «Сайдана»	14
Ҳаёт қучоғида	16
Навоийга оид бир далил	19
Ибн Синонинг иккинчи юбилеи	20
Сурайё — Азиз Қаюмов	23
Устоз хотираси — А.Ўринбоев	30
У.И.Каримовнинг хорижий илмий алоқалари — С.Каримова.....	32
Улуғ ва камтарин инсон — Б.Маннонов	35
Нисор этил — М.Ҳасаний	39
Устозни эслаб — М.Ҳасаний (Муҳиббий)	40

Ushbu kitob bilan to'liq tanishish uchun O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi Asosiy kutubxonasiga tashrif buyuring.

Manzil: Toshkent shahri, 100100, M.Ulug'bek tumani, Ziyolilar ko'chasi, 13-uy.